| 60. | 2002 | Браслет с бел. кам. деф. погн., о.в. 20,14 гр., ч.в. 6,00 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам. деф. погн., о.в. 4,32 гр., ч.в. 3,30 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 2,80 гр., ч.в. 2,20 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 1,37 гр., ч.в. 1,20 гр., 583 пр.; браслет деф. погн., о.в. 2,05 гр., ч.в. 2,05 гр., 583 пр. Общим весом 30,68 гр., чистым весом 14,75 гр. | 4 708 750,00 |
| 61. | 2043 | Серьги деф. погн., о.в. 1,78 гр., ч.в. 1,78 гр., 583 пр. | 565 225,00 |
| 62. | 2131 | Серьги с кр. кам. с деф. погн., о.в. 3,52 гр., ч.в. 2,70 гр., 583 пр.; серьги с кр. кам. деф. погн. хруп., о.в. 1,90 гр., ч.в. 1,50 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. погн., о.в. 3,00 гр., ч.в. 2,70 гр., 583 пр. Общим весом 8,42 гр., чистым весом 6,90 гр. | 2 209 000,00 |
| 63. | 2160 | Кольцо с бел. син. кам. деф. погн., о.в. 4,10 гр., ч.в. 3,40 гр., 583 пр.; кольцо с нитк. биркой с бел. кам., о.в. 2,10 гр., ч.в. 1,00 гр., 583 пр.; серьги с нитк. биркой с бел. кам., о.в. 3,18 гр., ч.в. 2,00 гр., 583 пр. Общим весом 9,38 гр., чистым весом 6,40 гр. | 2 057 500,00 |
| 64. | 2197 | Браслет с деф. погн. хруп., о.в. 8,92 гр., ч.в. 8,92 гр., 583 пр. | 2 739 250,00 |
| 65. | 2221 | Цепь о.в. 6,29 гр., ч.в. 6,29 гр., 583 пр. | 2 012 050,00 |
| 66. | 2222 | Серьги с бел. кам., о.в. 3,04 гр., ч.в. 2,64 гр., 585 пр. | 853 075,00 |
| 67. | 2287 | Кольцо обруч. погн., о.в. 1,84 гр., ч.в. 1,84 гр., 583 пр.; серьга 1 шт. с бел. кам. с деф. погн., накл. 375-2,0 о.в. 3,23 гр., ч.в. 0,80 гр., 850 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., кам. нет, о.в. 2,56 гр., ч.в. 2,40 гр., 850 пр. Общим весом 7,63 гр., чистым весом 5,04 гр. | 1 754 500,00 |
| 68. | 2289 | Серьги с жел. кам., о.в. 4,50 гр., ч.в. 4,10 гр., 583 пр.; кольцо с жел. кам., о.в. 2,50 гр., ч.в. 2,30 гр., 583 пр. Общим весом 7,00 гр., чистым весом 6,40 гр. | 2 163 550,00 |
| 69. | 2290 | Кольцо с брилл. оскол. деф. погн., о.в. 3,36 гр., ч.в. 3,36 гр., 750 пр. | 1 284 850,00 |
| 70. | 2296 | Серьги с кр. кам. с деф. погн., о.в. 3,36 гр., ч.в. 2,50 гр., 583 пр. | 807 625,00 |
| 71. | 2314 | Крестик с деф. погн., о.в. 0,94 гр., ч.в. 0,94 гр., 583 пр.; крестик с деф. погн., о.в. 0,85 гр., ч.в. 0,85 гр., 583 пр. Общим весом 1,79 гр., чистым весом 1,79 гр. | 547 423,75 |
| 72. | 2347 | Серьги с бел. чер. кам. деф. погн., о.в. 5,55 гр., ч.в. 2,50 гр., 583 пр. | 466 750,00 |
| 73. | 2355 | Серьги хруп. деф. погн., гряз. о.в. 5,60 гр., ч.в. 5,60 гр., 583 пр. | 1 527 250,00 |
| 74. | 2370 | Кольцо с деф. погн., обруч., о.в. 6,48 гр., ч.в. 6,48 гр., 583 пр. | 1 360 600,00 |
| 75. | 2409 | Серьги с бел. син. кам. с деф. погн., о.в. 8,40 гр., ч.в. 7,30 гр., 583 пр. | 2 284 750,00 |
| 76. | 2472 | Браслет о.в. 4,07 гр., ч.в. 4,07 гр., 583 пр.; цепь о.в. 7,27 гр., ч.в. 7,27 гр., 583 пр.; цепь хруп. деф., о.в. 3,61 гр., ч.в. 3,61 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 2,47 гр., ч.в. 1,67 гр., 583 пр. Общим весом 17,42 гр., чистым весом 16,62 гр. | 5 299 600,00 |
| 77. | 2479 | Цепь о.в. 9,95 гр., ч.в. 9,95 гр., 583 пр. | 3 042 250,00 |
| 78. | 2570 | Серьги с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,20 гр., ч.в. 2,60 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам. с деф. погн., хруп. о.в. 1,20 гр., ч.в. 0,60 гр., 583 пр. Общим весом 4,40 гр., чистым весом 3,20 гр. | 1 027 300,00 |
| 79. | 2607 | Кольцо с бел. хруп. о.в. 2,02 гр., ч.в. 1,67 гр., 583 пр.; кольцо деф. погн., 14 к с бел. кам. о.в. 10,34 гр., ч.в. 9,54 гр., 583 пр. Общим весом 12,36 гр., чистым весом 11,21 гр. | 3 580 075,00 |
| 80. | 2609 | Кольцо с бел. зел. кам. деф. погн., накл. 375-1,15 о.в. 2,88 гр., ч.в. 1,15 гр., 583 пр.; серьги с зел. бел. кам. деф. погн., паян. накл. 375-1,60 о.в. 4,30 гр., ч.в. 1,60 гр., 583 пр.; цепь погн., о.в. 8,80 гр., ч.в. 8,80 гр., 583 пр.; цепь слом. на част. деф. погн., хруп. о.в. 3,26 гр., ч.в. 3,26 гр., 583 пр. Общим весом 19,24 гр., чистым весом 14,81 гр. | 5 011 750,00 |
| 81. | 2625 | Цепь деф. погн., хруп., о.в. 11,37 гр., ч.в. 11,37 гр., 583 пр. | 3 345 250,00 |
| 82. | 2651 | Цепь с деф. погн., зам. слом+кулон с крас. кам., о.в. 6,14 гр., ч.в. 5,70 гр., 583 пр.; кольцо с бел кам погн., о.в. 6,04 гр., ч.в. 5,80 гр., 583 пр.; кольцо с крас. кам. погн., о.в. 6,22 гр., ч.в. 3,70 гр., 583 пр. Общим весом 18,40 гр., чистым весом 15,20 гр. | 4 481 500,00 |
| 83. | 2663 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,40 гр., ч.в. 1,10 гр., 583 пр.; серьги с зел. кам. с деф. погн., о.в. 1,88 гр., ч.в. 0,80 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. погн., о.в. 3,60 гр., ч.в. 3,30 гр., 583 пр.; серьги погн., о.в. 2,38 гр., ч.в. 2,38 гр., 583 пр. Общим весом 9,26 гр., чистым весом 7,58 гр. | 2 436 250,00 |
| 84. | 2669 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 5,60 гр., ч.в. 5,00 гр., 583 пр.; серьги деф. погн., о.в. 3,12 гр., ч.в. 3,12 гр., 583 пр. Общим весом 8,72 гр., чистым весом 8,12 гр. | 2 534 725,00 |
| 85. | 2693 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., 1 кам. нет, о.в. 1,43 гр., ч.в. 0,90 гр., 583 пр.; браслет с бел. кам. слом. хруп., о.в. 1,10 гр., ч.в. 0,70 гр., 583 пр.; 1 шт. серьга с бел. кам. погн., части нет, о.в. 0,97 гр., ч.в. 0,80 гр., 583 пр.; 1 шт. серьга с бел. кам. погн., о.в. 1,82 гр., ч.в. 0,60 гр., 583 пр. Общим весом 5,32 гр., чистым весом 3,00 гр. | 966 700,00 |
| 86. | 2710 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,26 гр., ч.в. 2,60 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,76 гр., ч.в. 2,20 гр., 375 пр. Общим весом 6,02 гр., чистым весом 4,80 гр. | 1 269 700,00 |
| 87. | 2716 | Кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 3,10 гр., ч.в. 2,80 гр., 583 пр. | 618 250,00 |
| 88. | 2723 | Кольцо с деф. погн., о.в. 4,34 гр., ч.в. 4,34 гр., 850 пр. | 1 724 200,00 |
| 89. | 2735 | Кольцо с бел. кам. трещ. деф. погн., о.в. 3,59 гр., ч.в. 3,10 гр., 583 пр. | 997 000,00 |
| 90. | 2813 | Цепь слом. фраг. отсут., о.в. 6,55 гр., ч.в. 6,55 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. деф. погн., 1 кам. нет, о.в. 2,85 гр., ч.в. 2,65 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам. погн., о.в. 4,76 гр., ч.в. 4,36 гр., 583 пр. Общим весом 14,16 гр., чистым весом 13,56 гр. | 3 951 250,00 |
| 91. | 2839 | Цепь слом. части нет, деф. погн., с нитк., о.в. 4,52 гр., ч.в. 4,20 гр., 583 пр. Общим весом 4,52 гр., чистым весом 4,20 гр. | 1 257 458,80 |
| 92. | 2833 | Кольцо с бел. чер. кам. деф. погн., о.в. 4,00 гр., ч.в. 2,50 гр., 583 пр.; серьги с бел черн. кам. деф. погн., о.в. 7,10 гр., ч.в. 4,10 гр., 583 пр.; кольцо с деф. погн., о.в. 2,40 гр., ч.в. 2,40 гр., 583 пр.; цепь деф. погн., о.в. 5,60 гр., ч.в. 5,60 гр., 583 пр. Общим весом 19,10 гр., чистым весом 14,60 гр. | 4 557 250,00 |
| 93. | 2928 | Кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 1,84 гр., ч.в. 1,10 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 1,94 гр., ч.в. 1,50 гр., 583 пр.; кольцо погн., о.в. 3,57 гр., ч.в. 3,57 гр., 583 пр. Общим весом 7,35 гр., чистым весом 6,17 гр. | 2 057 500,00 |
| 94. | 2998 | Серьги с бел. кам. с деф. погн., о.в. 4,05 гр., ч.в. 3,70 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,68 гр., ч.в. 2,50 гр., 583 пр.; браслет слом с деф. погн., о.в. 1,17 гр., ч.в. 1,17 гр., 583 пр.; кольцо обруч. о.в. 1,96 гр., ч.в. 1,96 гр., 583 пр.; колье с зел. кам. хруп. о.в. 11,16 гр., ч.в. 10,80 гр., 583 пр. Общим весом 21,02 гр., чистым весом 20,13 гр. | 6 716 125,00 |
| 95. | 3007 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 6,93 гр., ч.в. 6,20 гр., 583 пр. | 2 080 225,00 |
| 96. | 3014 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 7,12 гр., ч.в. 6,20 гр., 583 пр. | 2 080 225,00 |
| 97. | 3017 | Цепь деф. погн., о.в. 12,15 гр., ч.в. 12,15 гр., 375 пр. | 2 405 950,00 |
| 98. | 3051 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,42 гр., ч.в. 3,10 гр., 375 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,28 гр., ч.в. 1,10 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,44 гр., ч.в. 1,30 гр., 583 пр. Общим весом 6,14 гр., чистым весом 5,50 гр. | 1 421 200,00 |
| 99. | 3058 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,14 гр., ч.в. 2,70 гр., 583 пр. | 921 250,00 |
| 100. | 3072 | Браслет с чер. кам. с деф. погн., о.в. 16,60 гр., ч.в. 15,60 гр., 375 пр. | 3 042 250,00 |
| 101. | 3079 | Серьги с бел. кам. с деф. погн., о.в. 5,06 гр., ч.в. 4,30 гр., 583 пр. | 1 451 500,00 |
| 102. | 3088 | Кольцо с зел. кам. с деф. погн., о.в. 2,54 гр., ч.в. 1,50 гр., 850 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,72 гр., ч.в. 1,20 гр., 583 пр.; кольцо с бел кам.. с деф. погн., о.в. 1,52 гр., ч.в. 1,30 гр., 583 пр.; кольцо обруч. погн., о.в. 1,43 гр., ч.в. 1,43 гр., 583 пр. Общим весом 7,21 гр., чистым весом 5,43 гр. | 1 527 250,00 |
| 103. | 3098 | Цепь 14 к с деф. погн.+кулон с бел. черн. зел. кам., о.в. 14,95 гр., ч.в. 9,40 гр., 583 пр. | 3 148 300,00 |
| 104. | 3111 | Кольцо с бел. кам. чер. лаком с деф. погн., о.в. 2,32 гр., ч.в. 1,50 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,64 гр., ч.в. 1,40 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. 3 кам. нет, с деф. погн., о.в. 2,38 гр., ч.в. 1,90 гр., 583 пр.; кулон с бел. кам. о.в. 0,60 гр., ч.в. 0,50 гр., 583 пр.; цепь слом. погн., хруп. о.в. 0,96 гр., ч.в. 0,96 гр., 583 пр. Общим весом 7,90 гр., чистым весом 6,26 гр. | 2 095 375,00 |
| 105. | 3151 | Серьги с син. кам. деф. погн., о.в. 3,55 гр., ч.в. 2,00 гр., 583 пр.; серьги деф. погн., о.в. 4,82 гр., ч.в. 4,82 гр., 583 пр. Общим весом 8,37 гр., чистым весом 6,82 гр. | 2 284 750,00 |
| 106. | 3167 | Серьги с деф. погн., о.в. 1,78 гр., ч.в. 1,78 гр., 750 пр. | 686 425,00 |
| 107. | 3193 | Серьги с бел. кам. с деф. погн., о.в. 4,44 гр., ч.в. 2,40 гр., 583 пр.; кулон с бел. кам. с деф. погн.+цепь с деф. погн., о.в. 6,52 гр., ч.в. 6,00 гр., 583 пр. Общим весом 10,96 гр., чистым весом 8,40 гр. | 2 815 000,00 |
| 108. | 3201 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 4,30 гр., ч.в. 4,10 гр., 583 пр.; серьги с деф. погн., паян. хруп., о.в. 3,24 гр., ч.в. 3,24 гр., 583 пр. Общим весом 7,54 гр., чистым весом 7,34 гр. | 2 436 250,00 |
| 109. | 3216 | Браслет с деф. погн., о.в. 3,76 гр., ч.в. 3,76 гр., 583 пр. | 1 269 700,00 |
| 110. | 3290 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., с нит. плоб., о.в. 4,25 гр., ч.в. 2,90 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам. о.в. 7,77 гр., ч.в. 5,80 гр., 583 пр. Общим весом 12,02 гр., чистым весом 8,70 гр. | 2 297 476,00 |
| 111. | 3391 | Кольцо с крас. кам., о.в. 4,85 гр., ч.в. 4,00 гр., 583 пр.; серьги с бел. зел. кам. о.в. 2,69 гр., ч.в. 2,00 гр., 583 пр. Общим весом 7,54 гр., чистым весом 6,00 гр. | 1 884 062,80 |
| 112. | 3400 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,10 гр., ч.в. 1,80 гр., 583 пр. | 656 125,00 |
| 113. | 3414 | Серьга 1 шт. с бел. кам. слом. с деф. погн., о.в. 2,48 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр. | 710 665,00 |
| 114. | 3435 | Брошь с кр. кам., о.в. 2,11 гр., ч.в. 2,05 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 6,87 гр., ч.в. 6,00 гр., 583 пр. Общим весом 8,98 гр., чистым весом 8,05 гр. | 2 830 150,00 |
| 115. | 3447 | Цепь с деф. погн., о.в. 15,96 гр., ч.в. 15,96 гр., 583 пр.; браслет погн., о.в. 4,56 гр., ч.в. 4,56 гр., 583 пр.; цепь деф погн., о.в. 19,32 гр., ч.в. 19,32 гр., 583 пр.; серьга 1 шт., о.в. 3,68 гр., ч.в. 3,68 гр., 583 пр. Общим весом 43,52 гр., чистым весом 43,52 гр. | 12 710 313,40 |
| 116. | 3493 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,10 гр., ч.в. 2,60 гр., 583 пр. | 921 250,00 |
| 117. | 3524 | Колье хруп. о.в. 16,67 гр., ч.в. 16,67 гр., 583 пр.; браслет о.в. 6,57 гр., ч.в. 6,57 гр., 583 пр. Общим весом 23,24 гр., чистым весом 23,24 гр. | 8 284 150,00 |
| 118. | 3564 | Цепь с деф. погн., о.в. 7,62 гр., ч.в. 7,62 гр., 583 пр. | 2 284 750,00 |
| 119. | 3567 | Серьги с деф. погн., о.в. 2,70 гр., ч.в. 2,70 гр., 583 пр. | 921 250,00 |
| 120. | 3799 | Цепь с деф. погн., о.в. 13,75 гр., ч.в. 13,75 гр., 583 пр.; браслет с деф. погн., о.в. 8,84 гр., ч.в. 8,84 гр., 583 пр. Общим весом 22,59 гр., чистым весом 22,59 гр. | 8 041 750,00 |
| 121. | 3819 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,96 гр., ч.в. 1,60 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам. с деф. погн., о.в. 0,98 гр., ч.в. 0,40 гр., 583 пр.; серьга 1 шт. с бел. кам. с деф. погн., хруп. о.в. 0,38 гр., ч.в. 0,20 гр., 583 пр. Общим весом 3,32 гр., чистым весом 2,20 гр. | 747 025,00 |
| 122. | 3849 | Кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 2,79 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; цепь хруп. запутана, о.в. 2,50 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр. Общим весом 5,29 гр., чистым весом 4,50 гр. | 1 618 150,00 |
| 123. | 3881 | Кольцо обруч. погн., о.в. 1,85 гр., ч.в. 1,85 гр., 583 пр. | 671 275,00 |
| 124. | 3896 | Кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 2,60 гр., ч.в. 2,10 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам. деф. погн., о.в. 6,00 гр., ч.в. 4,30 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 1,68 гр., ч.в. 1,30 гр., 583 пр.; кольцо с бел. крас. кам. деф. погн., о.в. 1,03 гр., ч.в. 0,50 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам. деф. погн., о.в. 2,53 гр., ч.в. 2,00 гр., 583 пр.; цепь деф. погн., хруп., о.в. 5,18 гр., ч.в. 5,18 гр., 583 пр. Общим весом 19,02 гр., чистым весом 15,38 гр. | 5 466 250,00 |
| 125. | 3948 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 5,95 гр., ч.в. 5,60 гр., 583 пр. | 2 012 050,00 |
| 126. | 3969 | Кольцо с деф. погн., о.в. 2,30 гр., ч.в. 2,30 гр., 583 пр. | 830 350,00 |
| 127. | 3975 | Серьги с бел. кам. деф. погн., о.в. 3,65 гр., ч.в. 3,30 гр., 583 пр. | 1 062 145,00 |
| 128. | 4000 | Серьги с бел. зел. кам. о.в. 10,33 гр., ч.в. 6,90 гр., 583 пр.; серьги о.в. 4,47 гр., ч.в. 4,47 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 5.50 гр., ч.в. 5.50 гр., 583 пр. Общим весом 20,30 гр., чистым весом 16,87 гр. | 5 688 046,00 |
| 129. | 4005 | Кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 4,00 гр., ч.в. 3,80 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., обруч., о.в. 2,80 гр., ч.в. 2,60 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам. деф. погн., о.в. 3,95 гр., ч.в. 3,60 гр., 583 пр.; кольцо о.в. 3,95 гр., ч.в. 3,95 гр., 583 пр.; кольцо обруч. Пайка, о.в. 3,29 гр., ч.в. 3,29 гр., 583 пр. Общим весом 17,99 гр., чистым весом 17,24 гр. | 6 526 750,00 |
| 130. | 4039 | Кольцо о.в. 5,66 гр., ч.в. 5,66 гр., 583 пр.; серьги о.в. 8,48 гр., ч.в. 8,48 гр., 583 пр.; цепь о.в. 29,80 гр., ч.в. 29,80 гр., 583 пр. Общим весом 43,94 гр., чистым весом 43,94 гр. | 15 162 250,00 |
| 131. | 4153 | Кольцо с бел. кам. 1 кам. нет, о.в. 3,05 гр., ч.в. 2,50 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 1,50 гр., ч.в. 1,.20 гр., 583 пр.; кольцо обруч. погн., о.в. 8,17 гр., ч.в. 8,17 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. погн., о.в. 2,65 гр., ч.в. 2,10 гр., 583 пр. Общим весом 15,37 гр., чистым весом 13,97 гр. | 5 269 300,00 |
| 132. | 4159 | Кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 4,38 гр., ч.в. 3,80 гр., 583 пр.; кольцо деф. погн., о.в. 2,30 гр., ч.в. 2,30 гр., 583 пр. Общим весом 6,68 гр., чистым весом 6,10 гр. | 2 360 500,00 |
| 133. | 4197 | Серьги с бел. кам. с деф. погн., о.в. 7,05 гр., ч.в. 6,00 гр., 583 пр. | 2 284 750,00 |
| 134. | 4210 | Серьги накл. 375-2,71 о.в. 5,42 гр., ч.в. 2,71 гр., 750 пр.; браслет с лаком желт. роз. оранж. гол., о.в. 3,70 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; серьги с крас. кам. о.в. 2,39 гр., ч.в. 1,60 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам. с деф. 1-го кам. нет, о.в. 1,69 гр., ч.в. 1,45 гр., 750 пр. Общим весом 13,20 гр., чистым весом 7,76 гр. | 3 799 750,00 |
| 135. | 4271 | Кольцо с бел. кам., о.в. 5,74 гр., ч.в. 5,40 гр., 583 пр. | 2 057 500,00 |
| 136. | 4314 | Кольцо с деф. погн., о.в. 3,48 гр., ч.в. 3,48 гр., 583 пр. | 1 330 300,00 |
| 137. | 4323 | Серьги хруп. о.в. 2,05 гр., ч.в. 2,05 гр., 583 пр.; кольцо с бел. сирен. кр. кам. с деф. погн., о.в. 2,08 гр., ч.в. 1,50 гр., 583 пр.; цепь с деф. погн., хруп. о.в. 2,60 гр., ч.в. 2,60 гр., 583 пр.; браслет с деф. погн., хруп. о.в. 2,78 гр., ч.в. 2,78 гр., 583 пр. Общим весом 9,51 гр., чистым весом 8,93 гр. | 3 360 400,00 |
| 138. | 4368 | Серьги с бел. кам. деф. погн., о.в. 4,60 гр., ч.в. 4,00 гр., 583 пр. | 1 739 350,00 |
| 139. | 4414 | Серьги с деф. о.в. 5,30 гр., ч.в. 5,30 гр., 583 пр.; кольцо с деф. сильно погн., о.в. 2,75 гр., ч.в. 2,75 гр., 583 пр.; серьги о.в. 2,73 гр., ч.в. 2,73 гр., 583 пр.; кулон с деф., о.в. 3,00 гр., ч.в. 3,00 гр., 583 пр.; цепь с деф., о.в. 2,59 гр., ч.в. 2,59 гр., 583 пр.; браслет хруп., о.в. 2,22 гр., ч.в. 2,22 гр., 583 пр.; серьга 1 шт., о.в. 1,04 гр., ч.в. 1,04 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам. хруп., о.в. 1,40 гр., ч.в. 0,90 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам., о.в. 2,88 гр., ч.в. 2,00 гр., 583 пр.; серьги с бел. кам. хруп., о.в. 1,00 гр., ч.в. 0,90 гр., 583 пр. Общим весом 24,91 гр., чистым весом 23,43 гр. | 10 087 000,00 |
| 140. | 4422 | Кольцо обруч. о.в. 4,54 гр., ч.в. 4,54 гр., 583 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 3,36 гр., ч.в. 3,06 гр., 583 пр. Общим весом 7,90 гр., чистым весом 7,60 гр. | 3 284 650,00 |
| 141. | 4512 | Серьги с деф. погн., о.в. 10,16 гр., ч.в. 10,16 гр., 583 пр. | 4 405 750,00 |
| | | **Жами бошланғич баҳоси** | **436 812 610,24** |

Аукцион савдолар **2021 йил 12 август** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 10 август куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2021 йил 12 август** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 26 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Давр банк" ХАТБ Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002 МФО 01069 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# ЯИМда қурилишнинг улуши қанча?



**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Барчамиз ялпи ички маҳсулот ҳақида тушунчага эгамиз. Мазкур иқтисодий унсур бугунги кунда барча давлатларнинг молиявий аҳволи ҳамда бюджетини ташкил этади. Хўш, мамлакатимизда бажарилган қурилиш ишларининг ЯИМ миқдоридаги улуши қанча?**

Қачонлардир жўн овчи-термачи сифатида мавжуд бўлган кишилик жамияти бугун тамаддуннинг рақамли технология ва иқтисодиёт даврига етиб келди. Эндиликда сиз ва биз мураккаб молия, саноат операцияларидан иборат моддий дунёда яшаяпмиз.

Ўлкамиз ҳам батамом моддийлашган сайёранинг сиёсий харитасида ўз ўрнига эга бўлган суверен давлат бўлиб, ривожланаётган шкалали кўрсаткичлари билан ҳар соҳада ислоҳотлар ўтказаяпти. Шубҳасиз, қурилиш соҳаси ҳам булардан биридир.

Охирги уч йилликда Ўзбекистонда қурилиш соҳаси кескин ўсди. Масалан, 2018 йилда бажарилган қурилиш ишлари қиймати 51,1 трлн сўм, 2019 йилда эса 71,2 трлн сўмни ташкил этган. 2020 йилда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 580,2 трлн сўмга бажарилган, қурилиш ишлари эса 87,8 трлн сўмдан иборат бўлган. Маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь-май ойларида Ўзбекистонда 37,3 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 100,9 фоизни ташкил этди. Кўриниб турибдики, миллий бюджет маблағларининг тақсимотида қурилиш каттагина улушни қайд этмоқда.

Қувонарли томони эса, соҳада давлатнинг роли тобора камайиб бораётганидир. Дунё миқёсида хусусийлаштириш ва иқтисод-молия тизимини таъсирлантирувчи соҳаларда давлат улушининг камайтирилгани умумий ишбилармонлик кайфиятига ижобий таъсир ўтказмоқда. Давлатнинг нодавлат индивидларга ён босиши, албатта, самарадорликнинг ошишига туртки бўляпти. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисод-молий секторида давлатнинг ўрнини камайтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу жараён қурилиш соҳасида ҳам акс этяпти. Хусусан, 2021 йилнинг январь-май ойлари давлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан 1503,9 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Уларнинг республикадаги улуши 4,0 фоизга тенг бўлиб, нодавлат мулкчиликдаги ташкилотлар томонидан 35764,8 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Уларнинг республикадаги улуши 96,0 фоизга тенг.

“Обод қишлоқ” дастури амалда

# Маҳаллалар янада обод бўлмоқда

**Довуд АБИБУЛЛАЕВ,**
ЎзА мухбири.

**Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ташаббуси юртимиз ободончилигининг янги босқичини бошлаб берган эди.**

Мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттиришга хизмат қиладиган ушбу ташаббус аҳоли томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди ва қўллаб-қувватланди. Натижада эски барак-уйлар, абгор ҳолатдаги қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси тубдан ўзгартирилиб, янгича замонавий кўринишга эга бўлди. Буни “Обод маҳалла” дастурига киритилган Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги “Наўқанбоғ” ва “Ақ жағис” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишларидан ҳам кўришимиз мумкин.

Хусусан, мазкур маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида жами 6 та ижтимоий соҳа объектини қуриш ва таъмирлашга 14 миллиард 702 миллион сўм ажратилиши белгиланиб, шундан, 2 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та мактабгача таълим ташкилоти, оилавий поликлиникани таъмирлаш ва реконструкция қилиш белгиланган. Бундан ташқари, 1 та маҳалланинг маъмурий биносини реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган. Ҳозирда барча объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, амалий ишлар бошлаб юборилди. Мазкур жараённи Нукус шаҳар прокуратураси томонидан тузилган махсус штаб вакиллари назорат қилмоқда.

“Наўқанбоғ” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 39-сонли умумтаълим мактаби 2008 йилда қурилган ва 330 нафар ўқувчига мўлжалланган. Айни вақтда 916 нафар ўқувчи ўқийдиган мактабда амалиёт ва лаборатория хоналари, устахона, мажлислар зали йўқ. Бинодаги камчиликлар ўрганилиб, давлат дастури асосида мактаб қошида яна қўшимча икки қаватли иморат қуриладиган бўлди.

Яна бир ижтимоий объект қурилиши режалаштирилган. Яъни, ушбу ҳудудга тиббий хизмат кўрсатадиган 4-сонли оилавий поликлиника бу маҳалладан 5 километр узоқда жойлашган. Ҳудуддаги аҳолининг мазкур йўналишдаги мурожаатлари инобатга олиниб, дастур асосида ушбу маҳаллада 4-сонли оилавий поликлиниканинг филиали очиладиган бўлди.

– Ҳудудимизда амалга оширилаётган ишлардан аҳоли мамнун бўлмоқда, – дейди маҳалла фаоли Абдулла Сабуров. – Авваллари йўлларда, коммунал хизматларда, болаларнинг таълим олишида муаммолар мавжуд эди. Мана, ҳудудимиз давлат дастурига киритилгандан сўнг муаммолар ечимини топмоқда. Албатта, бунёдкорлик ишларидан сўнг бу ерлар Нукус шаҳрининг обод масканларидан бирига айланиши, шубҳасиз.

“Ақ жағис” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 2,4 километр ички йўлларга қум-шағал ётқизилиб, 6,2 километр электр энергияси таъминоти тармоғини таъмирлаш режалаштирилган. Шунингдек, 1 километр ирригация ва мелиорация тармоғини яхшилаш, 2 километр алоқа-ахборотлаштириш тизимини янгилаш, 3 километр пиёдалар йўлакчасини ободонлаштириш, 14 километр тунги кўча ёритиш тизимини яхшилаш белгиланган. 2 та мактабгача таълим ташкилотини таъмирлаш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Ҳудуддаги битта мактаб ва маҳалла фуқаролар йиғинининг маъмурий биносини таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Дастурлар доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ишлари халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва бунёдкорлик салоҳиятини яққол намоён этади.

Жумладан, Беруний туманидаги “Беруний” ҳамда “Абай” овул фуқаролар йиғинларида 16 миллиард 292 миллион сўмлик қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Хусусан, “Беруний” овул фуқаролар йиғинида жами 10 километр, “Абай” овулида эса 9,1 километр йўлларни таъмирлаш белгиланган. Ҳозирги кунда туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан олдинги чанг-тўзон кўчаларга қум-шағал аралашмаси ётқизилиб, текисланмоқда.

Ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича “Абай” овулида лойиҳа қиймати 416 миллион сўмлик 2,2 километр ичимлик сув тармоғи тортилмоқда. Овулда 296 миллион сўмлик 1,8 километр электр тармоғини янгидан тортиш, 199,7 миллион сўмлик 1 та трансформатор пунктини ва 27 та таянч устунини янгидан ўрнатиш ишлари давом этмоқда.

Давлат дастурида иккита ҳудудда ижтимоий соҳа инфратузилмасини яхшилаш мақсадида 6 миллиард 917 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилади. Жумладан, “Абай” овулидаги битта умумий ўрта таълим мактаби ва битта мактабгача таълим ташкилоти биноси янгича қиёфага келтирилади.

Овулдаги мактабгача таълим ташкилоти 1986 йилда қурилган бўлиб, 90 бола ўрнига мўлжалланган. 35 йилдан буён на бир таъмир, на бир ободонлаштириш ишлари олиб борилмаган. Энди ушбу боғча давлат дастурига киритилиб, янги қиёфа касб этадиган бўлди. Эски авария ҳолатидаги бино бугунги давр талабига жавоб берадиган замонавий таълим ташкилотига айлантирилади, яна болаларни қамраб олиш имконияти кенгайтирилиб, 150 нафар болани ўз бағрига олади.

24-сонли умумий ўрта таълим мактаби ана шу овулдаги “81-кўприк” аҳоли манзилида жойлашган. 2009 йилда қуриб фойдаланишга топширилган бу мактаб аслида 140 ўринга мўлжалланган. Мактабда 210 ўқувчи таҳсил олаётган бўлса, уларга 40 нафар ўқитувчи таълим-тарбия беради. Мазкур ҳудудда аҳоли сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, бу эса мактабга қўшимча янги бино қуриш эҳтиёжини юзага келтирди. Шунингдек, мактабда ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун шароит, аниқроғи, спорт зали умуман йўқ эди. Овулнинг “Обод қишлоқ” давлат дастурига киритилиши билан бу мактабга янги 96 ўринли янги бино ва 12x24 ўлчамдаги спорт зали қурилиши режалаштирилган.

Давлат дастурининг сифатли ижроси туман прокуратураси томонидан ташкил этилган махсус штаб масъуллари томонидан мунтазам назорат қилиб борилмоқда. Аслида, бунёдкорлик ишларига йўналтирилган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

# Ўзбекистоннинг биринчи техника фанлари доктори

**Ғолиб МАҲМУДОВ,**
Тошкент давлат транспорт университети доценти.

**Абдусалом Муталибов Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг биринчи ректори, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, Республика автомобиль транспорти ва йўл қурилиши соҳаси учун малакали мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ишларига салмоқли ҳисса қўшган етук олим эди.**



Бўлажак олим 1938 йилда ўрта мактабни тугатиб, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг механика факультетига ўқишга киради. 1941 йилда ўқишни Белоруссия политехника институтининг механика факультетига ўтказиб, Иккинчи жаҳон урушига айнан ўша ерда рўбарў бўлади. Урушнинг биринчи кунидан яширин ташкилот аъзоси сифатида босқинчиларга қарши курашга қўшилди. Белоруссия озод қилинганидан сўнг 39-армиянинг 258-махсус автобатальони таркибида жанговар ҳаракатларда фаол иштирок этиб, Японияни тор-мор этишда фаол қатнашди.

1949 йилда Москва автомобиль ва йўллар институтининг Автомобилларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш кафедрасининг аспирантурасига кириб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. У автомобиль транспорти соҳаси бўйича техника фанлари номзоди даражасини олган биринчи ўзбек олими бўлди. Кейинчалик Ўрта Осиё политехника институтининг Автомобиллар кафедрасида аввал ассистент, кейин доцент бўлиб ишлади. Шундан кейин “Ташавтомаш” заводига директор этиб тайинланади. Қисқа вақтда корхона пахтани тарасиз ташиш тиркамаларини ишлаб чиқарувчи йирик ва замонавий заводга айланади.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Ўзбекистон ҳудудида Газли, Муборак каби табиий газнинг бир қатор ноёб конлари топилганди. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида табиий газдан самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Фанлар академияси қошида ёнилғидан фойдаланиш илмий-тадқиқот институти ташкил қилинади. А. Муталибов ушбу институтнинг газни транспортда фойдаланиш лабораторияси (кейинчалик Ўрта Осиё табиий газ илмий-тадқиқот институтининг газ двигателлари бўлими)га мудир бўлиб ўтди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида А. Муталибов бошчилигида бир гуруҳ олимлар томонидан суюлтирилган ва табиий газ, шунингдек, газ конденсатларини мотор ёнилғи сифатида ишлатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Улар асосида 1966, 1967 йилларда Бухорода дастлабки автомобиллар газ ёнилғисига ўтказилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Жанубий Муборак газ конденсатининг мотор хусусиятлари бўйича ўтказилган катта ҳажмдаги тажриба-саноат текширувлари амалга оширилган тадқиқот натижаларини тўлиқ тасдиқлади. Газ конденсати автомобилларнинг карбюраторли ва дизель моторларида ёнилғи сифатида ишлатила бошланди.

Маҳаллий ёнилғи турларини ички ёнув двигателларда ишлатиш имкониятлари бўйича ўтказилган комплекс тадқиқотларнинг мантиқий якуни сифатида 1972 йилда олимнинг Москва автомобиль ва йўллар институти Илмий кенгашида докторлик диссертациясининг муваффақиятли ҳимояси бўлди. А. Муталибов автомобиль транспорти бўйича Ўзбекистонда биринчи бўлиб техника фанлар доктори даражасига эришди. Мазмуни ва ҳажми бўйича ўтказилган фундаменталь тадқиқотлар маҳаллий мотор ёнилғилари тўғрисидаги илмий билимларни янада чуқуррок шаклланишига, республиканинг ёнилғи ресурсларини кенгайишига салмоқли ҳисса қўшди.

1972 йилда забардаст олим янги ташкил қилинган Тошкент автомобиль ва йўллар институтига ректор лавозимига тайинланади. Қисқа вақтда, унинг бевосита раҳбарлигида янги факультетлар, умуммуҳандислик, умумтехник ва ихтисослик кафедралари ташкил қилинади, институтнинг ўқув-лаборатория базаси яратилади. Ўқув жараёнига собиқ иттифоқнинг етакчи олий ўқув юртларининг тажрибаси кенг жорий қилинди. А. Муталибов мамлакатнинг автомобиль-йўллар институтларининг ҳамкорлигини ташкил қилиш ташаббуси билан чиқиб, бу ўқув жараёнини такомиллаштириш, ўқув-лаборатория базасини ташкил топишига, илмий тадқиқотларнинг самарасининг оширилишига катта туртки бўлди.

Профессор А. Муталибов раҳбарлигида маҳаллий турдаги ёнилғиларнинг мотор хусусиятларини тадқиқ қилиш, пласт-массаларни ультратовуш билан пайвандлаш, ротор-пульсация аппаратларини яратиш, қийин аралашувчи компонентлардан ташкил топган бирикмаларни ишлаб чиқиш ва қурилиш соҳасига жорий қилиш каби ишлар халқ хўжалиги учун юқори даражада аҳамиятга эга бўлиб, қўйилган муаммолар илмий нуқтаи назардан жуда чуқур ишлов берилгани билан ажралиб туради. У яратган илмий мактаб, унинг илмий ишлари нафақат республикамизда, балки хорижий давлатларда ҳам тан олинган. Унинг 150 дан ортиқ илмий мақоласи, 5 та монографияси чоп этилган. Ўнлаб ихтиролар жорий қилиниб, уларнинг 20 тадан ортиғи патент сифатида АҚШ, Германия, Япония ва Буюк Британия давлатлари томонидан сотиб олинган.

Абдусалом Муталибов раҳбарлигида 2 та докторлик ва 19 та номзодлик диссертациялар ҳимоя қилинди. У талабалар яхши ўқиши, яшаши ва дам олиши учун нафақат институтда, балки қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилинганда ҳам барча шароитларни яратишга ҳаракат қиларди.

Олимнинг уруш давридаги хизматлари ва фидокорона меҳнати давлат томонидан юқори баҳоланди. Илмий ишларнинг юқори самарадорлиги ва натижаларни ишлаб чиқаришга жорий қилингани учун унга Беруний номидаги фан ва техника соҳаси бўйича Ўзбекистон Давлат мукофоти, қурилиш саноати корхоналарида илғор технологияларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий қилингани учун Вазирлар Маҳкамасининг мукофоти берилди. Техник фанлари ривожланишига қўшган ҳиссаси ва малакали мутахассис-кадрларни тайёрлашдаги хизматлари учун унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби” фахрий унвон берилганди.

# Эзгу ниятлар рўёби

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Фарғонада “Обод қишлоқ” дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар, қад ростлаётган кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектлари – юртимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Яқин кунларда Бағдод туманидаги 5 та қишлоқ аҳолиси ҳам ана шундай масканларга эга бўлади.**

“Мурувват” МФЙда Қўрғонча, Кенагас, Отхона, Қосимобод ҳамда Гулистон қишлоқлари бор. Хусусан, Гулистон қишлоғи бугунгача ривожланишда тумандаги энг қолоқ ҳудуд бўлиб келган эди. Аҳолиси ўтган йиллар кўп соҳаларда жуда қийналди. Эндиликда эса вазият тубдан ўзгаряпти. Бугун “Обод қишлоқ” дастури доирасида кўп хайрли тадбирлар амалга ошириляпти.

Жумладан, 8 гектар ер майдонида 50 дан зиёд кўп қаватли уйлар қурилиши бошланди ва бунинг учун 255 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши кутиляпти. Натижада, мингга яқин хонадон бунёд этилади. Ҳозирда эса бу ҳудудда қурилаётган кўп қаватли турар жой бинолари сони 61 тани ташкил этмоқда. Куни кеча 5 қаватли уйнинг қурилиши якунланди.

Шуниси эътиборлики, қурилаётган уйларнинг таннархи арзон бўлишида моноблоклардан фойдаланилаётгани жуда қўл келмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, моноблокларга қолиплар ҳам шу жойнинг ўзида тайёрланяпти. Бувайда туманидаги Янгиқўрғон массивида ҳам яна бир бино қад ростламоқда.

# Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!



Июль ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Шерзод Холов,**

Навоий вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи ўринбосари **Шохруҳ Абдурасулов,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари **Жаҳонгир Ташпўлатов,**

Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Улуғбек Куватов,** Нуробод тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Суннатуллажон Усанов,**

Сирдарё вилояти, Ховос тумани қурилиш бўлими Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича архитектор **Машраб Ахматқулов,**

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси Кадрлар ва махсус ишлар бўйича инспектори **Шахобидин Нишонов,** Оққўрғон тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Шерзод Мирзақулов,** Пискент тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Даврон Холиқов,**

Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармаси бош мутахассиси **Сардорбек Мирзаев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-743.
2321 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – И. Ибодулла.

ЎзА якуни – 21.35. Топширилди – 23.20. 1 2 3 4 5 6